

9-10-2019

ROLE OF BIOETHICS IN THE DEVELOPMENT OF MEDICINE AS A CULTURAL FORM

Gulnoz Karimovna Mamazhonova

*Lecturer, Department of Social Sciences, Namangan Institute of Engineering and Construction
Researcher, National University of Uzbekistan*

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu>



Part of the [Education Commons](#)

Recommended Citation

Mamazhonova, Gulnoz Karimovna (2019) "ROLE OF BIOETHICS IN THE DEVELOPMENT OF MEDICINE AS A CULTURAL FORM," *Scientific Bulletin of Namangan State University*. Vol. 1 : Iss. 7 , Article 27.
Available at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu/vol1/iss7/27>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific Bulletin of Namangan State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

ROLE OF BIOETHICS IN THE DEVELOPMENT OF MEDICINE AS A CULTURAL FORM

Cover Page Footnote

???????

Erratum

???????

ТИББИЁТНИНГ МАДАНИЙ ШАКЛ СИФАТИДА РИВОЖЛАНИШИДА БИОЭТИКАНИНГ ЎРНИ

Мамажонова Гулноза Каримовна
Наманган Муҳандислик Қурилиш Институти
Ўзбекистон Миллий Университети тадқиқотчиси

Аннотация: Ушбу мақолада тиббиётнинг маданий шакл сифатида ривожланишида биоэтиканинг ўрни таҳлил қилинган. Мақолада биоэтика тиббиёт ва соғлиқни сақлаш тизимига мансуб бўлган маданий мажмуа сифатида кўриб чиқилган.

Калит сўзлар: тиббиёт, соғлиқни сақлаш, биоэтика, маданият, қадрият, меъёрлар, биотехнологиялар

РОЛЬ БИОЭТИКИ В РАЗВИТИИ МЕДИЦИНЫ КАК КУЛЬТУРНОЙ ФОРМЫ

Мамажонова Гулноза Каримовна
Преподаватель кафедры социальных наук, Наманганский инженерно-строительный институт
Научный сотрудник Национального университета Узбекистана

Аннотация: В данной статье анализируется роль биоэтики в развитии медицины как культурной формы. В статье биоэтика рассматривается как культурный комплекс, относящийся к здравоохранению и медицинской системам.

Ключевые слова: медицина, здоровье, биоэтика, культура, ценность, нормы, биотехнология.

ROLE OF BIOETHICS IN THE DEVELOPMENT OF MEDICINE AS A CULTURAL FORM

Mamazhonova Gulnoz Karimovna
Lecturer, Department of Social Sciences, Namangan Institute of Engineering and Construction
Researcher, National University of Uzbekistan

Abstract: This article analyzes the role of bioethics in the development of medicine as a cultural form. In the article, bioethics is considered as a cultural complex related to healthcare and medical systems.

Key words: medicine, health, bioethics, culture, value, norms, biotechnology.

Маданиятнинг турлича таърифлари ва талқинлари мавжуд. Одатда, “маданият” атамаси тасвирланиши ва изоҳланиши лозим бўлган буюмлар, ҳодисалар ва жараёнларнинг муайян тоифаларини кўрсатиш учун қўлланилади.

Маданиятни кишиларнинг мақсадга йўналтирилган мулоҳазаси ва фаолияти билан яратилган барча нарсага қўллаш мумкин. Биоэтика инсон томонидан яратилган барча моддий ва номоддий қадриятларни энг кенг маънода қамраб олгани учун юқоридаги таърифга мос келади.

Бу маънода инсон яратган ҳатто энг содда нарса ўта оддий қурол, ўта содда жиҳоз, инсон онгида пайдо бўлган ҳар қандай фикр маданиятга мансубдир. “Табиатга” ва “маданиятга” бундай бўлиниш фанларни табиий ва ижтимоий фанларга ажратишга олиб келган.[1] Шунин учун биз биоэтикани табиий фанларнинг ютуқлари уларни ижтимоий самарасига кўра баҳолай бошлаган даврда табиий ва ижтимоий фанлар чегарасида вужудга келган биоижтимоий фанлар тоифасига мансуб деб ҳисоблаймиз.

Ирсий жиҳатдан биоэтика маънавий маданият оламига мансуб бўлиб, бу фикрлаш дунёсининг моҳиятини аниқлашга ҳаракат қиладиган турли хил идеалистик фалсафий назарияларни қуриш учун асос бўлиб хизмат қилди, бу эса одамларнинг фикрлаш ва фаолият тарзини шакллантирувчи кучли омил ҳисобланади.

Маданиятни этнология ва социология сингари ижтимоий фанларда қабул қилинган ва яратилган назариялардан фарқлаш зарур. Ижтимоий фанлар маданиятни энг аввало, реалистик тарзда, яъни инсоний фаолият маҳсулотларининг мажмуи сифатида тушунади, шу аснода, бу маҳсулотлар моддий, ҳам муайян шартларга жавоб берадиган ғоялар ҳам бўлиши мумкин.

Инсоний фаолиятнинг қандайдир маҳсули маданият маконига киритилиши учун у дастлаб объектлашуви, яъни моддий мустақамланиши лозим. Масалан, индивидуал хатти-ҳаракат кўрсатмаси сифатидаги биоэтика тамойиллари маданиятнинг макон мазмунида кўриб чиқилиши мумкин эмас, чунки улар ўз соҳиблари билан биргаликда шунчаки йўқ бўлиб кетиши мумкин. Бироқ, маънавий кодексларда мустақамланган, монографиялардаги илмий тадқиқот мавзуга, дарсликлардаги таълим дастурларининг қисмига айланган ҳолда улар маданиятда макон вазифасини ўтовчи тусга кириши мумкин.

Маданиятнинг ҳар бир муайян соҳасида биз эҳтиёжларни қондирган ва вужудга келтирган ҳолда каттами ёки кичик ҳажмда бўлган маданиятнинг бир қатор шунга ўхшаш асосий унсурларини кўришимиз мумкин. Булар саъй ҳаракатларни шакллантирган ва бирлаштирган ҳолда кишиларнинг фаолиятига таъсир кўрсатади, янада мураккаброқ маданий тизимларни яратишга олиб келади. Масалан, замонавий тиббиётда бемор ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тамойили шифокорликнинг барча тўрт моделини бирлаштирувчи тизим яратувчи омилдир. Бу эса, тиббий хизмат кўрсатиш тизимини қайта ташкил этишга истеъмолад маданиятини шакллантиришга ҳамда тиббий хизматларни тақдим этишга, янги қонунчилик ҳужжатларини ишлаб чиқишга олиб келади. Устига-устак бундай тарзда шакллантирилган тизим ривожланган мамлакатларнинг эркин маданиятига бевосита бирлашишга олиб келади. Унинг халқаро кўриниши эса, соғлиқни сақлашнинг глобал тизимидаги ўзаро ҳаракатни вужудга келтиради.

Муайян унсур билан функционал боғлиқ бўлган нарсалар, муассасалар, тасаввурлар, ғоялар, хатти-ҳаракатлар намуналарининг янада кенгроқ мажмуини маданий мажмуа деб аташ мумкин. Маданий мажмуалар жамиятларнинг ўзига хос қиёфасини вужудга келтиради, уларнинг намоён бўлиши ёки мавжуд эмаслик даражасидан далолат беради. Жамият маданий фаолиятининг ҳар бир соҳасида

хусусиятли мажмуаларни ажратиб кўрсатиш мумкин: *тиббиёт ва соғлиқни сақлашда биоэтика мана шундай маданий мажмуа сифатида юзага чиқади.*

Маданий мажмуалар маданий конфигурациялар деб аталувчи янада кенгрок яхлитликларга бирикиши мумкин. Масалан, замонавий жамият кўпроқ ёки камроқ тор функционал ва тузилмали боғлиқликларга алоқадор бўлган маданиятнинг кўплаб тизимларининг ана шундай тарзи ёки шаклидир. Агар антропологик мезонларга кўра бундай маданий конфигурацияларни баҳолайдиган бўлсак, янги биотехнологияларнинг вужудга келиши ўз ортидан янги тадқиқотчилик йўналишларининг, янгича таълим стандартларининг, буларни тарқатиш учун янги техник воситаларнинг, *янгича хатти-ҳаракат қоидаларининг* расмийлашган (сиёсат, ҳуқуқ) ёки расмийлашмаган (ахлоқ) янгича муносабатларнинг пайдо бўлишини келтириб чиқарди.

Антропологик ёндашув бизга биоэтика ва жамиятда мавжуд бўлган маданий конфигурациялар билан маданий мажмуа сифатида таркибий-функционал ва мазмунан боғлиқликни аниқлашга имкон беради. Ва улардан энг муҳими, албатта, тиббиётдир. Аслида, биоэтика тиббиётда “ўзини топди”, бу эса ҳозирда ҳеч ким томонидан мунозара қилинмайди. Айрим муаллифлар “биотиббий этика” атамасини уларнинг ўзаро боғлиқлигини таъкидлаш учун ишлатадилар.[2]

Тиббиётнинг бутун маданий мажмуи ягона фикр: ҳаёт ва саломатлик–бу яхши, касаллик ва ўлим эса–бу ёмон эканлиги атрофида барпо этилган. Шунингдек, барча замонларда тиббиётнинг бутун фаолияти фақат бир нарсага–ҳаёт ва саломатликни сақлашга йўналтирилган. Буларнинг барчаси албатта нимагадир зид келган ёки ҳалал берган ёки бу тамойилга мос келмаган касбдан ҳайдашга қадар даражада муҳокама қилинган. Ахлоқий баҳолаш тиббиётда доимо ҳукмрон бўлган. Ҳатто шифокор касални даволаш учун тиббий ҳамжамятда рухсат этилмаган, маъқуланмаган усулларни қўллаб бемор шифо топса, шифокорнинг ҳаракатлари маъқуланган ва аксинча агар бемор қоидаларига қатъий риоя қилган ҳолда беморни йўқотса, унинг ҳаракатлари алоҳида муҳокама ва жазолаш мазмунига айланган.

Албатта илмий меъёрлар (кези келганда булар тиббиётда анча кеч шакланганлигини таъкидлаш жоиз) иқтисодий ва ҳуқуқий меъёрлар (ҳеч қандай ижтимоий институтлар ва маданий мажмуалар булардан ташқарида мавжуд бўла олмайди) билан бир қаторда ахлоқий меъёрлар тиббиётда доимо белгиловчи меъёрлар бўлган. Бироқ, тиббиёт бошқа маданий мажмуалардан бутунлай фарқли бўлган ҳолат, яъни у тирик инсонлар билан “ишлаши” сабабли ундаги ахлоқий бошқариш жамият ҳаётининг бошқа соҳаларидагига нисбатан бирмунча эҳтиёткорлик билан амалга оширилмоқда. Аста-секин тиббиётнинг ўзига хос меъерий қиёфаси вужудга келди, у фақат тиббиёт ичидаги муносабатларни йўлга солиш учун эмас, балки уни маданиятнинг бошқа тизимчаларидан фарқлаш учун ҳам мўлжалланган эди. Шу тарзда тиббиёт этикаси вужудга келди. У аста-секин шакланди, шу аснода унда мавжуд бўлган меъёрлар ҳам тиббиётнинг ўз-ўзини ривожлантириши ва ўз-ўзини сақлаб қолишга бўлган эҳтиёжларини, ҳам жамиятнинг буларга боғлиқ бўлган орзу умидларини акс эттирган.

Бугунги жамиятда шахс ҳуқуқ ва эркинликларининг кенгайиши тиббиётда шифокор ва бемор тенг ҳуқуқли шерик бўлиб муносабатга кирадиган, тиббиётнинг инсон ҳуқуқларини кафолатловчи бошқа ижтимоий институтлар билан муносабатлари бир-бирларига нисбатан комплементар (бир-бирини ўзаро тўлдирувчи) тамойиллар асосига барпо этилиши лозимлиги борасидаги қадриятли мақсадни кўзлайди.

Иккинчи сабаб фаннинг ривожланиши ва хусусан янги биотехнологияларнинг пайдо бўлиши билан боғлиқдир. Ушбу сабабнинг хусусиятларини дори-дармонлар соҳасидаги ўзгаришлардан бошлаш зарур. Янги технологиялар дори-дармонлар ишлаб чиқаришни деярли тўлиқ саноат йўли билан амалга оширишга имкон берди. Бир томондан, бу тиббиётнинг имкониятларини анчагина кенгайтди. Тиббиётнинг ўзи ва дори-дармон тайёрлаш ўртасидаги меҳнат тақсимотининг кўп асрли жараёни ниҳоясига етказилди. Агар тиббиёт ривожининг дастлабки босқичларида шифокор бир вақтнинг ўзида дори-дармон воситаларини ҳам тайёрловчи, кўпинча эса, муаллифи ҳам бўлган бўлса, кейинчалик фақат шифокор кўрсатмаларига асосан фақат дори-дармон тайёрлайдиган провизор касби вужудга келди. Фан сифатида фармокология касбининг пайдо бўлиши тиббиётнинг мустақил тармоғи сифатидаги доришуносликнинг узил-кесил шаклланишига имкон яратди. Технологик жараён эса дори-дармонлар тайёрлашни ишлаб чиқариш йўлига солишга имкон берди. Бу биринчи навбатда, тиббиётдан доришуносликнинг ажраб чиқишига, унга тижорат вазифаларини ўзлаштиришга имкон берди. Эндиликда доришунослик тиббиётнинг фарзандими ёки тижоратнинг “фарзанди” эканлигини айтиш қийин бўлиб қолди. Бироқ, бу алоҳида мавзудир. Бу ерда мазкур тармоқни мустақил тармоқ сифатида ажратиб чиқариш билан боғлиқ маънавий ва ҳуқуқий бўшлиқ вужудга келганлиги муҳимдир. Саноат кўламида дори-дармон воситаларини ишлаб чиқиш учун, уларни ўйлаб топиш, синаб кўриш, сотиш учун бозорларни излаш лозим. Бинобарин, тиббиёт этикасининг тамойилларига риоя қилган, бироқ доришунослик бу тадбиркорлик ҳам эканлигини ҳисобга олган ҳолда ушбу соҳадаги илмий тадқиқот ва синовдан ўтказиш фаолиятларини ҳам йўлга солиш зарур.

Клиник синовлар соҳасидаги меъёрий ҳужжатларга бўлган эҳтиёж мана шу тарзда қарор топди. Бунга ўхшаш ҳужжатларнинг бутун бир қатори вужудга келганига қарамасдан, муаммо ҳанузгача яқуний ечимини топгани йўқ. Агар гап инсон саломатлиги ва ҳаёти устида кетаётган бўлса, илмий хатолар учун ўта катта тўлов тўлашга тўғри келмоқда. Глобал компьютерлашув инсонни клиник синовлардан буткул озод қилишига имкон берадигандек бўлсада, амалда синовдан ўтказилаётган инсонни, компьютерли модел билан ўзгартириш мумкин эмаслиги маълум бўлиб қолди. Чунки бунда натижаларнинг ишончли даражаси ўта паст бўлиб, бу саломатлик учун янги хатарларни вужудга келтиради.

Аммо компьютерлаштириш ҳам ташҳислаш, ҳам даволаш- жонлантириш соҳасида буткул янги тиббиёт асбоб-ускуналарини яратишга имкон берди. Бемор ва шифокор ўртасига компьютерни жойлаштирган ҳолда уларни буткул ажратиб ташлашга мойиллик пайдо бўлди. Бироқ, тиббий манипуляцияларнинг ушбу марказий шахслари ўртасидаги руҳий-ҳиссий мулоқот манипуляцияларнинг

ўзидан кўра анча муҳимроқ бўлиб чиқди. Шифокор ва бемор муносабатларининг у ёки бу моделини қўллаш, уларнинг самарадорлиги ва “рухсат этилганлиги” борасидаги мунозаралар кучайди. Агар Гиппократ ва Гиппократдан кейинги тиббиёт ҳукмронлик модели устун бўлиб, бунда шифокор доимо ҳақ бўлган бўлса, жамиятнинг эркинлашув даврида жамоавий долзарбланиши. Мулкчиликнинг турли шакллари ривожланиши билан саломатликни сақлаш соҳасида шартномали модел амалга кирди. Техника тараққиёти билан эса техник моделдан фойдаланиш фаоллашди. Бу эса янги маънавий муаммоларни келтириб чиқарди, бу муаммолар ҳам ҳанузгача узил-кесил ҳал қилинмаган.

Умуман олганда, биотехнологияларнинг ривожланиши тиббиётнинг бутун қиёфасини ўзгартириб юборди. Инсон геномининг сирларини очиш, аъзоларни кўчириб ўтказишдаги муваффақиятлар, умуртқа тўқималарининг бошқарилиши, сунъий уруғлантириш, нанотехнологиялар..... Буларнинг барчасини қандай тарзда ва қанчалик қўллаш мумкин? Инсониятни қандай оқибатлар кутмоқда? Инсон клонни ярата оладими? Ҳомилани 12 ҳафтага қадар пробиркада ўстириш, сўнгра унинг “таркибий қисмларидан” бошқа инсонларни даволаш учун фойдаланиш мумкинми? Агар сунъий уруғлантириш ва сунъий оналикдан фойдаланадиган бўлса, кимни боланинг отаси ва онаси деб ҳисоблаш мумкин? Аъзоларни фақат донор розилиги билан олиш мумкинми ёки ўлим ҳолатида бу эркин тарзда амалга ошириладими? Агар даволашнинг янги усуллари беморга бошидан ўтказган инсульт натижасида ҳаётини сақлаб қолишга имкон берса, бироқ уни азоблардан қутқаришга ёки онгини ўзига келтиришга ёрдам бермаса, унинг жонини олишга–эвтаназияга рухсат этиш мумкинми?

Кўриб турганимиздек, ҳал қилинмаганлиги янги биотехнологияларни амалиётга киритишни бутунлай тўхтатиб қўйган маънавий муаммоларнинг ҳаддан ташқари кўпайиши юз берди. XX асрда тиббиётнинг биотиббиётга айлантирилиши шунга мос тарзда биотиббий янгича этика яратилишни ҳам тақозо этди. Шу боис, биз маданиятшунослик маъносида тиббиёт ва биоэтикани, прогматик маънода эса биотиббиёт ҳамда биотиббий этикани таҳлилдан ўтказиш зарур деб ҳисоблаймиз.

Ва ниҳоят, биоэтика вужудга келишининг учинчи сабаби “тиббийлаштиришнинг кенгайиши” ни кўрсатиш мумкин. Тиббийлаштиришнинг замонавий жараёни тиббиётни сезиларли даражада кенгайтириб ва ўзгартириб юборди. Биоэтика вужудга келди, буни муайян унсур билан функционал боғлиқ бўлган, нарсалар, муассасалар, ғоялар, хатти-ҳаракат намуналарининг кенг йиғиндисига эга бўлган янги маданий мажмуа сифатида тасвирлаш мумкин.

Шунга боғлиқ ҳолда, жамиятда мавжуд бўлган маданий тузилмаларга эга маданий мажмуа сифатидаги биоэтиканинг тузилмали–функционал ва мазмун боғлиқлигини аниқлаш эҳтиёжи вужудга келмоқда.

References:

1. Heinrich Rickert, Kulturwissenschaft und Naturwissenschaft VII, 1926.
2. SHamov I.A. Biomeditsinskaya etika: Uchebnik.-M.: OAO «Izdatelstvo «Meditcina», 2006;
3. Potter V.R. Bioetika: most v budushee. Kiev: Sfera, 2002. 216 s.
4. Mamajonova G.K. Bioetika–axloqiy tanlov va axloqiy mas’uliyat mezonlarini ijtimoiy nazorat qilishning institutsional mexanizmi // Ilm sarchashmalari jurnali № 5/2019 30-33 betlar
5. Nurmatova M. A., Jabborova YU. D., Umarova N. X., Xudayberdiev A. K. Nekotorie osobennosti duxovno-nravstvennogo vospitaniya studentov meditsinskix vuzov // Molodoy ucheniy.—2014.—№6.—S. 868-870.—URL <https://moluch.ru/archive/65/10682/>
6. Mamajonova G.K. Bioethics is applied ethics//Teoriya i praktika sovremennoy nauki. – 2018.–№. 1.